



Бутун дунё пролетарлари, бирлашининг!

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

● № 50 (9286).

● 1988 йил, 12 март ●

Баҳоси 3 тийин.

ШАНБА

СОНИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 10 март куни бўлиб ўтган мажлисида мамлакатда ўрмон хўжалигини ва ўрмон саноатини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Муҳокама чоғида шу нарса қайд этиб ўтилдики, мазкур тармоқларни бошқариш системаси ўрмон хўжалигидаги ва ўрмон саноатидаги ишларнинг аҳолига, мамлакатнинг ўрмон бойликлариغا нисбатан чинакам омилкорлик билан муносабатда бўлишни шакллантиришга салбий таъсир қила бошлади.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қабул қилинган қароридан ўрмон бойликларини сақлаш ва кўпайтириш, улардан тежаб-тергаб фойдаланиш, халқ хўжалиги ва аҳолининг хилма-хил ўрмон маҳ-

сулотларига бўлган талаб-эhtiёжларини қондириш, социал ривожланиш масалаларини жадал ҳал этиш партия, совет ва хўжалик органларининг, ўрмон хўжалиги ҳамда ўрмон саноати бирлашмалари ва корхоналари, меҳнат коллективларининг энг муҳим вазифаларидан бири, деб ҳисоблаш зарурлиги эътироф этилди.

Шу нарса белгилаб қўйилдики, доимий ишловчи комплекс ўрмон корхоналари (бирлашмалари) ўрмон хўжалигида ва ўрмон саноатида асосий бўлиб қолиши керак. Мамлакат ягона давлат ўрмон фонди устидан контроллик вазифалари билан шу фонддан омилкорлик билан фойдаланиш вазифаларини аниқ-равшан ажратиш кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда мавжуд бошқарув органлари не-

ғизда СССР иттифоқ-республика ўрмон давлат комитети ва СССР иттифоқ-республика ўрмон саноати министрлигини ташкил этиш мўлжаллаб қўйилди.

Иттифоқдош республикалар территорияларидаги ўрмонларни кўриқлаш, муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш, ўрмон хўжалигини ривожлантиришни планлаштириш масалаларини ҳал этишни шу республикаларнинг ихтиёрига бериш назарда тутилди.

Мажлисда 1988—1990 йилларда ва 2005 йилгача бўлган даврда Мурманск областини иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш борасида СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Мурманск об-

[Давоми 2-бетда].

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Республикада миллатлараро муносабатларнинг аҳоли ва интернационал тарбияни кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда Совет ҳокимияти йилларида амалга оширилган туб социал-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар натижасида, КПСС ленинча миллий сиёсати туфайли республикада 100 дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари ягона оила бўлиб аҳиллик билан яшаётганликлари, улар ўртасида тенг ҳуқуқлилик, манфаатларнинг муштараклиги, ҳамкорлик ва қардошларча ўзаро ёрдамга асосланган муносабатлар таркиби топанлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга республикада салбий ҳодисаларга қарши ааж олдирилган кураш ва қайта қуриш аҳолини интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта камчиликлар борлигини кўрсатди. Бу соҳадаги ишлар системасиз олиб борилмоқда, унда дедабазолик, расмийчилик устун бўлмоқда, салбий жиҳатлар тилга олинмаяпти, ўткир масалалар четлаб ўтилмоқда. Иқтисодий, маданий ва маънавий соҳаларда миллатчилик ва маҳаллийчилик кўринишларига тегишли зарба берилмаяпти.

Экономикани ривожлантиришда йўл қўйилган ўпирилишлар ва номуносабликлар оқибати, социал соҳадаги қоқоқлик секинлик билан бартараф этилмоқда. Аҳолининг социал

[Давоми 2-бетда].



★ Карима Абдуллаева — республика миқёсидаги шахсий пенсионер. Меҳнат Қизил Байроқ ва «Хурмат Белгиси» орденлари кавалери. У Оржоникидзе районидagi «Коммунист» колхозида йиғирма

йил бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Пенсияга чиққандан сўнг ҳам ишсиз тура олмади. Уғил-қизлари билан келишиб, беш кишидан иборат оила пудратини тузди. Бу йил

улар колхозда уч гектар ер олишиб, эртаги сабзавот турларини барвақт экишди. Ҳозир парварिश бошлаб юборилди.

Оила бошлиғи Обид Абдул-

лаев — почтачи. Ишдан бўш вақтларида у ҳам далада бўлади. Оиланинг энг кичик фарзанди Зоир ҳозир армия сафида хизмат қилаяпти. Суратда: (чапдан) О. Абдуллаев,

келини Барчиной, қизи Шахло ҳамда К. Абдуллаева Зоирдан келган хатни қувониб ўқишмоқда, суратини кўздан кечиршишмоқда.

А. Зуфаров фотоси.

МЕҲНАТКАШ ВА ТОГʻУВ ОИЛА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ласта қилган сафари якунларини эътиборга олиб, ишлаб чиққан чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор лойиҳаси кўриб чиқилди.

Кола ярим оролининг ишлаб чиқариш потенциалини кўпайтириш ва ундан фойдаланишни яхшилаш, унинг умумий иқтисодий аҳамиятига эътибор бериш ва унинг ҳаётини янги ресурсларини комплекс ўзлаштиришга давлат нуктадан назардан ёндашишни таъминлаш юзасидан кенг миқёсдаги комплекс тадбирларни амалга ошириш зарур, деб топилди.

Мурманск областида анча қулай турмуш шароитларини янгида келтириш мақсадида социал соҳа устун даражада ривожлантирилди. Шу беш йилликнинг қолган йилларидаёқ ва ўн учинчи беш йилликда уй-жой ҳамда социал

маданий қурилишни анча кенгайтириш кўзда тутилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни, бошқа истеъмол моллари, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларга бўлган талаб-эҳтиёжни шу жойнинг ўзидан ишлаб чиқариш ҳисобига мумкин қадар кўпроқ қондириш вазифаси қўйилди. Министрликлар, идораларга ва област корхоналарига Кола ярим оролидаги экологик вазиятни қатъиян соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш вазифаси топширилди.

Сиёсий бюро ёш мутахассисларни тақсимлаш чоғида, бошқа жойга ишга юборганда уларни турар-жой билан имтиёзли равишда таъминлаш тўғрисидаги қонуннинг моддаларини бузиш сабабли улардан тушган шикоятлар

тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Олий, ўрта ва махсус ўқув юртиларини битириб чиққан кишиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига қатъий риоя этишга, уларнинг жамиятимиз турмуши барча соҳаларини тубдан янгилаш ва қайта қуришга доир вазифаларни бажаришда фаол ва ижодий қатнашишлари учун шарт-шароитларни яратишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш зарур, деб топилди.

Социалистик мамлакатлар Коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари секретарларининг халқаро масалаларга бағишланган кенгаши натижалари кўриб чиқилди ҳамда КПСС делегациясининг иши маъқулланди. Гавададаги учрашув қардош партияларининг халқаро фаолият соҳасидаги, улар қурол-яроғлар

ни чеклаш, қуролсизланиш ва тараққиёт учун, халқаро ва маҳаллий ҳавфсизликни мустақамлаш учун олиб бораётган курашдаги ҳамкорлигини чуқурлаштириш йўлида сезиларли қадам бўлиб қолди. Кенгашида эришилган аҳдномаларни рўйбга чиқаришга оид топшириқлар берилди.

Сиёсий бюро кенгаши ишида қатнашган А. Ф. Добринин ва В. А. Медведениннинг Гавада Фидель Кастро билан, Кубанинг бошқа раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатларининг якунларини кўриб чиқиб, маъқуллади.

М. С. Горбачевнинг Австрия Коммунистик партияси раиси Ф. Мури билан ўтказган суҳбати якунлари маъқулланди. Учрашув дундаги ҳозирги аҳволга қарашларининг муштараклигини, ҳавфсизлик ва халқаро ҳамкорлиги учун курашиш зарурлигини тасдиқлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида партияимиз билан давлатимизнинг ички ҳамда ташқи сиёсатида доир бошқа баъзи масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ДАВРА СТОЛИ АТРОФИДА УЧРАШДИЛАР

Тошкент олий партия мактаби журналистика бўлимида бўлиб ўтган давра суҳбати «Қайта қуриш даврида оммавий ахборот ва пропаганда воситалари партия раҳбарлиги тўғрисида» мавзуга бағишланди.

Учрашувда область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими матбуот, телевидение ва радио секторининг мудирни Э. М. Эрнзаров, «Ташкентская правда», «Тошкент ҳақиқати», «Ангренская правда» ва «Янгийўл» газетаси журналистлари қатнашди. Улар иш тажрибалари билан ўртоқлашиб, тилгочиларнинг қўшдан-қўш совопларига жавоб бердилар.

мувофиқ озиқ-овқат масаласини ҳал этишни жадаллаштириш масалаларни кўриб чиқилди.

Марказий Комитетнинг ишчи комиссияси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети, Халқ контроли комитети, Госплан, Давлат агросаноат комитети, область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари билан биргаликда бу муҳим проблемани ҳал этишни жадаллаштиришга қаратилган сира кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларга оид тақлифлар ишлаб чиққанлиги таъкидлаб ўтилди.

Иқтисодий механизмини тақомиллаштириш ҳамда колхозлар ва совхозларнинг молиявий аҳолининг соғломлаштиришга, граждандарини шахсий ердмчи хўжаликларини, коллектив боғдорчилик ва полизчиликни, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ердмчи қишлоқ хўжаликларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратишга, шуниқдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саклаш ва қайта ишлаш базаларини ривожлантириш ҳамда уларни техника билан қайта жиҳозлаш масалаларига асосий эътибор қаратилди.

Шу мақсадда бир қатор амалий чоралар тақлиф этилди. Жумладан, колхозлар ва совхозларнинг барча ишлаб чиқариш бўлиmlаларини меҳнатни ташкил этишнинг пудрат формаларига ўтказиш кўзда тутилди. Бу эса 1988 йилда яппи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва ижтимоий секторда меҳнат умумдорлигини 1987 йилга нисбатан 16 процентдан зиёдор қўпайтиришни таъминлайди, иқтисодий жиҳатдан зарар келтирувчи ва рентабеллик даражаси паст бўлган хўжаликларга ижобий таъсир ўтказди.

Граждандарнинг шахсий ердмчи хўжаликларини мустақамлаш учун 1988 йилда аҳолига 10,7 минг боз буюқ, 19,9 мингта чўчка боласи, 102 мингта қўзи ва 4,5 миллионга жуъжа сотиш белгилаб қўйилди. Корхоналар ва ташкилотларнинг ердмчи хўжаликларидан 1990 йилгача гўшт етиштиришни (тирик вазнда) 11 минг тоннага, сут етиштиришни 14 минг тоннага, тукум етиштиришни 10 миллион донага етказиш кўзда тутилди.

Бошқа бир қатор тақлифлар ҳам киритилди.

Марказий Комитет бюроси мазкур тақлифларни маъқуллаб, Марказий Комитет аъзолари, мутахассислар, партия ва совет ходимларидан белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан контрол қилувчи ишчи гуруҳини тузди.

Баъзи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

структурасини, аввало индустриал ишчилар синфи миллий кадрлари сонини ўстириш ҳисобига тақомиллаштириш юзасидан аниқ мақсадни кўзловчи ишлар олиб борилмапти. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисминини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш проблемаси ўткир бўлиб турибди, миграция жараёнлари секиндик билан ривожланмоқда.

Интернационал ва ватанпарварлик тарбияси назарияси ва практикаси, ҳозирги шароитда миллатлар ва миллий муносабатлар ленинча назариясини амалга ошириш масалалари илмий муассасалар фаолиятида чуқур ишлаб чиқилмапти, оммавий ахборот воситаларида, оғзаки ва кўргазмали агитацияда суст ерилмоқда. Тадқиқот ва пропаганда ишларида шарқ меҳнаткашларининг социал ва миллий озодлик кураши, Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақамлаш учун Россия пролетариати билан биргаликда олиб борган кураши, социализм қурилишида, республика социалистик иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга оид ҳозирги тадбирларни амалга оширишда халқлар дўстлигининг ҳал қилувчи аҳамияти етарли даражада очиб берилмапти.

Атеистик тарбияда, интернационализмнинг гоъвий-маънавий асослари шаклланишига жиҳдий тўқинлик қилаётган диний хурофотларга қарши курашда бурилишга эришилгани йўқ. Диний-патриархал урф-одатларини миллий анъаналар ва ўзига ҳок маҳаллий хусусиятлар деб кўрсатишга уриниш давом этмоқда.

Экстремистик кайфиятларга ва жамиятга қарши ҳодисаларга дуч келинаётган бир қанча бошқа миллатлар вакиллари орасидаги тарбиявий ишларда нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Республикадаги экология проблемаси теварағида кўтарилган сафсатабозлик тўқинлик жиҳдий таъйиш тугдирмоқда. Аҳолининг саломатлиги, атроф-муҳитини, тарих ва маданият обидаларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган, вақимлик ва билимдонлик билан таҳлил этиб, пухта ўйлаб қарорлар қабул қилишни талаб қилмайдиган чинакам мураккаб ва кенг қўламли масалаларни айрим шахслар соддалаштириб ва масъулиятсизлик, вазиваси билан, очикдан-очик маҳаллийлик ва миллатчилик қарашларини авж олдириб талқин этмоқдалар. Республикадаги де-

мография вазият проблемаси теварағида турли ёлгон уйдирмалар ва зарарли мишмишлар тарқатилмоқда.

Бундай фактларга партия ва хўжалик активлари, олимлар, ижодкор зелиларнинг бир қисми тегишлича ошқора зарба бермаёттирлар. Уларнинг баъзилари жим туришибди, иккиюзламачилик позицияларига ўтиб олишмоқда, сиёсий принципсизлик қилишмоқда.

Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм тўғуларини тарбиялаш ишидаги мавжуд нуқсонлар шовинизм ва миллатчилик кўринишларини, бир миллатга мансуб кишиларнинг бошқа миллатлар вакилларига меънавий муносабатда бўлишини вужудга келтириши ўқтириб ўтилди. Булар тўб аҳоли ўртада миграция жараёнларини турғунлигига, патриархал қарашларнинг саклини қолдишга олиб келади, Ўзбекистондаги маънавий-психологик ва гоъвий-сиёсий вазиятга салбий таъсир кўрсатади, қайта қуриш ва янгилаш жараёнига тўқсинлик қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленуми йўл-йўриқлари, партия Марказий Комитети қарорлари асосида аҳолини интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишини қатъиян активлаштириш ва кучайтириш, бу ишни тақомиллаштириш юзасидан амалий чоралар кўриш вазифасини юкллади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ушбу масала юзасидан белгиланган тадбирлари тасдиқланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси СССР Халқ контроли комитетининг «Ўзбекистон ССР умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртиларидеги ўқувчилар овқатланишини ташкил этишдаги жиҳдий камчиликлар тўғрисида»ги хатини муҳокама қилди.

Маориф министри О. С. Аббосова, Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси Р. Ҳ. Жўраев, Савдо министрининг биринчи ўринбосари К. Н. Комилова, Ўзбекбиролашув раиси О. Махмудов, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари Т. Набиевларининг фаолиятсизлиги натижасида 2 миллион нафардан ортиқ мактаб ўқувчиси ёки деярли

ҳар икки ўқувчидан бири ўқиб жойида иссиқ овқат билан таъминланмаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Мактаблар ва ҳунар-техника билим юртилари ошхоналарида 440 минг ўрин етишмайди, ҳар икки ўқув юртидан бирда овқатланиш вақтинча мослаштирилган хоналарда, спорт заллари ва мажлис залларида, коридорларда ташкил этилган. 530 дан ортиқ ўқув юртида ошхона умуман йўқ.

Умумий овқатланиш корхоналарини савдо-технология ва совутиш ускуналари билан жиҳозлашда, уларни иссиқ ва совуқ сув билан таъминлашда, канализацияга улашда катта камчиликлар аниқланди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан гўшт-сут маҳсулотларини фондларини ўқув юртиларига тақсимлашда, ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағларни сарфлашда белгиланган тартиб кўпун равишда бузилмоқда.

Ўқув юртилари маъмуриятининг контрол қилмаслиги ва бевоасита йўл қўйиб бериши оқибатида ўқувчиларни алдеш, тарозидан уриб қолиш, овқатланиш нормаларини бузиш, бодаларга мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларини ўғирлаш фактлари, бошқа сунъий-моллар ва мансаб жиноятлари кўпунлаб содир бўлмоқда.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси область, шаҳар, район партия комитетлари, Маориф министри, Ҳунар-техника таълими давлат комитети, Савдо министри, Давлат агросаноат комитети, Ўзбекбиролашув зиммасига мактаблар ва ҳунар-техника билим юртилари ўқувчиларининг овқатланишини ташкил этишдаги жиҳдий камчиликларни тугатиш юзасидан узилик кесил чораларни кўриш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон ССР Маориф министри О. С. Аббосова, Ҳунар-техника таълими давлат комитети раиси Р. Ҳ. Жўраев, Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков, Соғлиқни саклаш министри С. М. Бахромов ва бошқа раҳбарлар бодалар боғчалари, яслилари, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртиларидеги бодаларнинг овқатланишини ташкил этишда уч ой ичида тартиб ўрнатиш учун улар шахсан жавобгар деб огоҳлантирилди.

Бюро ўқувчиларнинг овқатланишини ташкил этишда ҳаёт ва нуқсонларга йўл қўйганлиги учун республика Савдо министри, Ўзбекбиролашув, Маориф министри,

Ҳунар-техника таълими давлат комитети раҳбар ходимларини, бир қанча мактаблар ва ҳунар-техника билим юртиларининг директорларини каттиқ партиявий жавобгарликка тортиди.

Ўқувчиларнинг овқатланишини таъминлашда контрол-сизликка ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ўғирланишига йўл қўйганлиги учун Когон умумий овқатланиш комбинатининг директори Л. С. Коробкина КПСС савидан чиқарилиди. Ўқувчиларга иссиқ овқатни ташкил этишдаги жиҳдий камчиликлари, бодалар учун овқатга ажратилган озиқ-овқат маҳсулотлари сарфланишини контрол қилмаганлиги, уларни ўғирлашга йўл қўйиб берганлиги учун Тошкент шаҳридаги 13-ўрта ҳунар-техника билим юртининг собиқ директори В. И. Мунтянов ҳам КПСС савидан чиқарилиди.

Область партия комитетларига ўқувчилар овқатланишини ташкил этиш ишидаги жиҳдий камчиликлар ва сунъий-молларга йўл қўйишда айбдор бўлган барча кишиларнинг партиявий жавобгарлиги ва ўзлари эгзаллаб турган лавозимга муносиблиги ёки муносиб эмаслигини кўриб чиқиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1988—1990 йилларда республикадаги мактабгача тарбия бодалар муассасаларида, умумтаълим мактабларида ва ҳунар-техника билим юртиларида умумий овқатланишини ташкил этиш ва янада ривожлантиришга оид программани ишлаб чиқишни тугаллабтнлиги маълумот учун қабул қилинди.

Марказий Комитет бюроси область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига мактабгача тарбия бодалар муассасаларида ва ўқув юртиларида умумий овқатланишининг аҳоли учун планлаштириш, таъминот, савдо, халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими, соғлиқни саклаш органларига, хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанлигини ошириш вазифасини юкллади. Шу муносабат билан партия ва ҳукурат қабул қилган қарорлар сўзсиз бажарилиши таъминлансин, энг яхши озиқ-овқат маҳсулотлари, ускуналар, асбоблар бодаларга ўз вақтида ва етарли миқдорда юборилишига эришилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлисида КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленумининг йўл-йўриқларига

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЯШАШ ҲУҚУҚИ — инсоннинг онг муҳим ҳуқуқи. Мана, ниҳоят ана шу ҳуқуқнинг тўла амал қилиши йўлида чинакам қадам қўйилди. Инсоният мавжудлигининг ўзи хавф остида қолган эсда СССР билан АҚШ икки тўрадаги ядровий қуролларини йўқ қилиш ҳақидаги шартномани имзолади. Бу — янгича сиёсий фикрлашнинг ишончли далили, соғлом фикр ҳамда инсон зотиининг ўзини-ўзи сақлашга интилиши туйғуси тантанасидир.

Янгича сиёсий фикрлаш, деганда биз нимани тушунаёмиз? Ташқи сиёсатда бу — ўзаро ишонч муносабатларини, халқлар ўртасидаги ядровий қуролсизланишни ҳам ўз ичига олувчи халқаро тинчлик ва ҳамкорликнинг қарор топишидир. Ички сиёсатда бу — демократия ва ошкораликнинг кенгайиши, инсон ҳуқуқи ва эркинликларнинг оғишмай амал қилишидир.

Инсон ҳуқуқи ва эркинликлари бутун комплексининг совет жамиятида гарантлари амал қилиши демократия, давлат тузуми ва ҳуқуқ-тартибнинг акраламас элементи ҳисобланади. Қайта қуриш давом этаётган ҳозирги пайтда Совет давлати граждандар ҳуқуқи ва эркинликлари давлат ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида устун даражада таъминланишига изчил эришиб бормоқда. Шу билан бирга граждандар ҳуқуқлари системасини такомиллаштириш совет жамиятини қайта қуришнинг асосий, ҳатто бош омилли ҳамдир. Қайта қуриш фақат совет граждандарининг ҳамма ҳуқуқи ва эркинликларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришигина эмас, балки уни амалга ошириш механизмининг чуқур ўйлаб ва изчил такомиллаштириб боришни ҳам талаб этади.

Бу йўлда ҳозирдаюқ жиддий ишлар қилинди. Улар, жумладан, қабул қилинган бир қатор қонунлар ком-

племенда ўз аксини топди. Ана шу қонунларнинг айримлари хусусида тўхталмоқчи бўламиз.

«Давлат ҳаёти муҳим масалаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги СССР Қонуни давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида ошкоралик ва тўла очин-ойдинлиқни таъминлаш мақсадида қабул қилинди. Унда муҳокама тартиби, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни аҳоли томонидан муҳокама қилинишининг асосий қондалари белгилан берилган, умумхалқ муҳокамасини уюштириш, шунингдек граждандар фикр-мулоҳазалари ҳамда тақлифларини умумлаштириш ва ҳисобга олиш механизми назарда тутилган.

Умумхалқ муҳокамасига мамлакатини сиёсий, иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишларига тааллуқли қонун ва қарорларнинг лойиҳалари, граждандарнинг конституцион ҳуқуқлари, эркинлик ва бурчларининг амал қилиши ва СССРни бошқаришга оид бошқа энг муҳим давлат ҳаёти масалалари киритилди.

«Мансабдор шахсларнинг граждандар ҳуқуқини камситувчи ноҳақ ҳаракатлари юзасидан судга шикоят қилиш тартиби тўғрисида»ги СССР Қонуни граждандарнинг суд орқали ҳимояланган конституцион ҳуқуқларини конкретлаштириш йўлида муҳим босқич бўлди. Қонуннинг бош қисмидаёқ шахсини ҳўрмат қилиш, граждандар ҳуқуқи ва эркинликларини муҳофаза қилиш барча давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг бурчи эканлиги аниқ кўрсатиб қўйилган. Бу қонунга мувофиқ агар граждандар мансабдор шахслар томонидан ўз ҳуқуқлари камситилди, деб ҳисобласалар судга шикоят қилишга ҳақлидирлар. Мансабдор шахсларнинг қайси ҳаракатлари устидан шик-

ҚАЙТА ҚУРИШ: ҲАЁТИЙ ЖУШҚИН ЖАРАЁН

қоят қилиниши қонунда қонкрет кўрсатиб қўйилмаган. Унда бошқа қонуний актларда махсус эълон қилинмаган ҳамма ҳаракатлар устидан шикоят қилиш мумкин, деган принципга амал қилинди.

«Давлат қорхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР Қонуни билан раҳбарларни конкурс асосида сайлаб қўйиш жорий этилди. Сайлаб қўйиш принципи қорхона, бирлашманинг структуравий бўлиналари, ишлаб қилиш, цех, бўлим, участка, ферма ва звено раҳбарлари, шунингдек мастер ва бригада бошлиқлари тааллуқлидир. Қорхона раҳбари умумий йиғилиш ёки меҳнат коллективи конференцияси томонидан очик ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади ва юқори орган томонидан лавозимга тайинланади. Бўлиналарнинг раҳбарлари тегишли коллектив раҳбар томонидан ёпиқ ёки очик овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади ва қорхона раҳбари томонидан тайинланади.

Сайлаб қўйилган раҳбарлар уни шу лавозимга сайлаган меҳнат коллективининг умумий йиғилиши қарори асосида ўз лавозимидан муддатидан илгари бўшатилиши мумкин.

Умумий йиғилиш ёки конференция меҳнат коллективини учун ўз ваколатини амалга оширишнинг асосий формасидир. Ораллиқ даврда эса меҳнат коллективни ваколатини меҳнат коллективини совети бажаради. Қонун умумий йиғилишнинг ҳам, меҳнат коллективини советининг ҳам кенг ваколатларини мустаҳкамлайди.

Граждандарнинг шахсий ташаббусларининг ошириш, шахсий ва ижтимоий манфаатларини ўзаро узили боғлаш мақсадида «Янқа тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида»ги СССР Қонуни қабул қилинди. Ва шу қонун асосида СССР Министрлар Советининг кооператив ташкилотларини тузиш ва улар фаолиятини оsonлаштириш ҳамда уларнинг яхши ишлашлари учун зарур ҳамма шароитларини яратиб беришга қаратилган бир қатор қарорлар юзага келди. Умумий овқатланиш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, ик-

киламчи хом ашё тайёрлаш ва қайта ишлаш, қанд-кур ва нон-булка маҳсулотлари тайёрлаш соҳаларида кооперативлар тузиш масалалари қонун билан тартибга солинди.

Кооператив ташкилотларини тузишнинг асосий мақсад ва принциплари қарорларда аниқ белгилан қўйилган. Кооперативларга даромад солиғи юзасидан имтиёзлар яратилди, узоқ ҳамда қисқа муддатга банк қарзлари берилди. Шу билан бир вақтда қарорларда ҳамма турдаги кооператив ташкилотларга оид тахминий уставлар маъқулланган.

Келтирилган бу қонун актлари совет жамияти ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Бироқ шунинг таъкидлаш кераки, қайта қуришни қонуний таъминлаш планида ҳамма иш қилинганга йўқ. Яқин вақт ичиде янги жинойят ва жиноий-судлов жараёнларига оид янги қонунлар қабул қилиниши керак. Сайлов системасига тузатишлар киритувчи қонун ақти масаласи қун тартибда турипти. 1987 йилда қўйилган сайлов округларида синов тариқасида сайловлар ўтказиб қўрилди. Бундай округларда депутатликка номзод қилиб кўрсатилганлар мавжуд мандатларга нисбатан кўпроқ эди.

Қайта қуришга қўмаклашишга қарата қабул қилинган инсон ҳуқуқига оид янги қонунлар, афтидан, маълум даражада конституцион ўзгаришлар билан ҳам боғланади. Чунотчи, ижтимоий масала ва инсон ҳуқуқлари бўйича комитет тузиш мўлжалланмоқда. Ҳозирданок Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги Совет комитети қопида ижтимоий масала ва инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро ҳамкорлик комиссияси ишлаб турибди.

Совет граждандарини ҳуқуқларини янада тўлароқ таъминлашни талаб этадиган қайта қуриш — ҳаётини жўшқин жараён бўлиб, совет қонунчилиги, уни амалга ошириш механизми ва практикасини янада такомиллаштириш билан бирга давом этади.

В. ЯКОВЛЕВ,
совет қонунчилиги Бутуниттфоқ илмий-тадқиқот институти директори.

(АПН).

НАЗОРАТИДА

Колхозда 23 йилдан кўпроқ ишлади. Сўнгра қасал бўлди. Операция қилинди. Оғир ишга ярамай қолди. Мактабда техник ишларда ишламади. Келгуси йили пенсияга чиқилиши керак. Колхоздан қарилик пенсиясига чиқмасан дейишяпти. Шу тўғрисида!

Ҳ. ПАРПИЕВА,
Лискеит районидеги Тельман номи колхоз.

Область социал таъминот бўлиминан Ҳ. Парпиеванинг ҳаётига олинган жавобда қўйилган айтилади: Белгиланган қонунларда аёллар қарилик пенсиясига ёшлари 55 га етган ва 20 йиллик иш стажига эга бўлган тақдирда чиқишлари мумкин.

5 ва ундан ортқ бола туғиб, уларни 8 ёшгача тарбиялаган оналар эса ёшлари 50 га етган, меҳнат стажлари 15 йил бўлган тақдирдагина белгиланган қонун бўйича пенсия олишлари мумкин.

Ишчи ва хизматчи бўлиб, қарерда ишлайдиган қатъий назор, у умумий иш стажига ишлаганди. Лекин давлат пенсиялари тайинлашда колхозда ишлаган даври ҳисобга олинмади. Сизнинг аризонингизнинг мазмунига қараганда колхозда ишлаган даврингиз 23 йилни ташкил қилади, мактабда эса 7 йил ишлагансиз. Шунинг учун ёшнинг 50 га тўлганда пенсия белгиланган ҳужжатларингизни топириштириш ва сизга колхоз пенсияси белгиланиши мумкин.

Мен Калинин районидеги Оржоникидзе номи колхозда ишлайман. Ойлигининг доим колхоз кассасидан иккинчи ойлаб кечикиб оламиз. Бунинг устига пахта йиғим-теримда қатнашган қатор колхозчилар шу кунгача тегишли ҳақларини олишгани йўқ.

Э. УСМОНОВ,

Ушбу хатда кўрсатилган нуқсонларни тугатиш ва хат авторига тегишли ҳақин ундириб беришни район агроносоват бирлашмасининг раиси А. Раппорова ҳавола қилинган эди. Маълум бўлишча, 1987 йилнинг октябрь-ноябрь ойлари учун колхозчиларга ойлик муддатдан бироз кечикиб, декабрь ойида тўланган. Пахта йиғим-теримда иштирок этган колхозчиларга ҳақ белгиланган тартибда ўз вақтида тўланган. Хат авторини Эргаш Усмоновга бу хатда хабар қилишнинг иложи бўлмади. Чунки бу киши колхозда ишламаган, бундан ташқари колхоз ва ўзгартиш қишлоқ Совети территориясиде яшамайди.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПАДИ



Бахтинга мана шу ёзув бор-да, бўлмаса кўрсатиб қўярдим, сенга.



— Бунингиз ғирт чандирку?
— Парво қилманг, сочингиз ўсади.

— Арзимаган икки дона пишлоқ учун шунча тўполон кўтарасизми, ахир?
— Шу арзимаган пишлогинг меннинг ярим маошини туради, юлғич укам.

Ш. СУБХОНОВ, Ҳ. СОДИҚОВ, Р. АҲМЕДОВ,
чицаган расмлар.

БЕШ ТИЙИН ДЕБ...

РОСТДАНАМ, беш тийин учун машаа кўтариш арзийдиган ишми ўзи? Аввалига, шундай фикрга бориб, ўзимни овутидим. Лекин бари бир чидолмадим, граждандлик виждоним, депутатлик бурчим жим туришга йўл қўймади. Ахир гап беш тийинда эмас-да! Халқ сайлаб қўйган депутатини менсимади, қўнчилигининг олдида беҳўрмат қилишди. Бугун менга, эртага яна бошқасига шундай муомалада бўлишса, бунинг учун уларга ҳеч ким ҳеч нарса демаса, танбех бермаса, кейин дуч келган кишининг обрўсини тўкишавермайдики ахир? Дарвоқе, айрим транспорт ходимлари арзимаган йўлқира деб, илгари ҳам халқ вакилларининг обрўсини атайлаб тўкканларини эшитганман. Йўқ, бундай воқеага бефарқ бўлиш мумкин эмас.

Аввал область Совети ижроия комитетига бордим, редакцияга учрашганини маслаҳат беришди. Бу фикр менга ҳам маъқул тушди.

Энди воқеани бир бошидан шарҳлайлик. Мени район Совети ижроия комитетига «қачиб» қолишди. Смена туғани билан бир неча дугоналарим ҳамроҳлигиде Тошкент Метрополитенининг «Халқлар дўстлиги» станциясига келдим. Дугоналарим автомобилга беш тийинлик чакаларини ташлаб ўтишди, Мен эса депутатлар ва бошқа иштиёли граждандар беуш ўтадиган жой томон юрдим. Аксига олиб навбатчи кўринмади. Тартибни бузмай, деб бироз кутдим, келди, депутатлик гувоҳномамни узатдим. У обдон ўқиб кўриб, қўлимга қайтиб берди.

— Область Советининг депутати бўл-

санг, фақат область территориясиде теккин юрасан, — деди пинагини бузмай. — Ахир метро ҳам...
— Бу ер шаҳар, — у гапни чўрт кесди. Мен унга шаҳар ҳам область территориясиде эканлигини тушунтирмоқчи бўлдим. У эшитишни ҳам истамай, ичкаридан бошқа китоб олиб чиқиб ўз фикрини маъқулломоқчи бўлди. Бу китобчадаги ва менинг депутатлик гувоҳномадаги ёзувларнинг маъносиде аслида бир эди.

Келинг, ҳўрматли газетхонлар, уни сизлар ҳам ўқиб, холис баҳо бериңлар: «Депутат... Тошкент область территориясиде республика қарамоғидеги автомобиль ва сув транспортда, шаҳар пассажир транспортининг ҳамма турларида (таксидан ташқари), шунингдек темирйўл транспортда теккин юриш ҳуқуқидан фойдаланади».

Уша кунин «Халқлар дўстлиги» станциясиде навбатчилик қилган Татьяна Гурмистрова мана шу аниқ-таниқ ёзувларнинг маъносини нахотки тушунмаган бўлса? Ўз бурчини тўла тушуниб олмаган навбатчи фақат Т. Гурмистрованинг ўзини ёки бундайлар Тошкент метрополитенида яна борми?

Бу саволнинг жавоби биргина мени эмас, областнинг қолган барча депутатларини ҳам қизиқтиради. Бинобарин, бизнинг бу саволимиз жавобсиз қолмаслиги керак.

Маъфура СОЛИХОВА,
область Советининг депутати, Калинин районидеги хўжалик-рўзгор буюмлари фабрикаси ишчиси.

ДЕПУТАТ ЭЪТИРОЗ БИЛДИРАДИ

Социал масалалар бўлимида

— ҚОРАЕВ Жамшид 1987 йил 12 октябрдан 5 ноябргача бўлимида даволанди. Барча чора-тадбирлар қўрилди. 5 ноябрь кунги онаси бизнинг розилигимиз (тилат эзиб) касалхонадан олиб кетди.

— Нега унга аввалроқ йўлланма берилмади?

— Биз йўлланма ўзимиз даволай олмаган беморлар учунгина бошқа касалхона билан келишган ҳолда берамиз.

— Жамшиднинг олиб кетишмаганда шу ерда даволаган бўлармидингиз?

— Ҳа. ...Қўлимиздаги шикоят хатиға яна бир бор назар ташлар эканмиз, мактуб муаллифи, ёш педагог Зухра Қораева кўз ўнгимизда намойи бўлади.

«...10 кун давомида навбатчи врачларга кўрсатдим. Улар ўзича ҳар хил диагнознини айтишди. 10 кун давомида кунига бир маҳал томирдан укол қилинди. Бироқ, кундан кунга боланинг аҳоли оғирлашганга ўхшарди. Бўлим мудири Салтанат Сатторованинг олдиға исси-уч марта олиб кирдим.

— Шамоллагани унчалик эмас, қорни оғиритганига бўлса керак, — деди у. Шундан сўнг 2—3 марта клизма қилинди. 20 кун ўтгандан кейин Салтанат Сатторова чақириб қолди:

— Сиз Қораева, реанимация бўлимига ўтақолинг, бу ерда сизга керакли дори-дармонлар йўқ.

Шундай экан, олдинроқ ўтказса бўларди-ку. Реаниматолог врач Исрофил Луқмоновнинг гапи ошиб тушди:

— Болангиз қаттиқ шамоллаган. Ампиокс, цинфамизин, кальций глюконат толиб келсангиз — яхши бўлиб кетади.

— Шу дориларни 20-25 кун илгари қилишганида болам соғайиб кетармиди...»

Салтанат Сатторовнага қарайман, у нима демоқчи эканлини сездим шекилли, тушунтироқчи бўлди:

— Бизда ҳамма дори етарли. Агар ўша дори бўлмаганда ҳам унинг ўрнини босувчи бошқа дорилар бўлади. Ҳеч қанақа дори олиб кел, дегаманмиз. Фақат қон керак, деган бўлишимиз мумкин. 12 йил ишлаб бирон марта устимдан шикоят тушмаганди. Мана шу аёлнинг (З. Қораеванинг) катта ўғлини ўзим даволаганман. Аллоҳида палата бўшатиб берганман (?). У ўғли нимжон эди. Қон қуйганимиз. Ҳозир 8 ёшларда, со-саломат. Кичик ўғли Жамшид бўлса семиз, дўббоқ эди, унга қоннинг ҳолати бўлмаган. Ундан ташқари, диагноз қўя олмади, деган даъво ҳам нотўғри. Бу ерда келишгандан олдин участка врачси шамоллаш диагнози билан йўнатган.

Сўхбатдошимнинг сўзларини қозғосга тушириб олишга ҳаракат қилар эканман, ҳаёлан мактубдаги фикрлар билан солиштирдим.

«...Реанимация бўлимига ўтганимизнинг 3 кунги ўғлимнинг томирини топиш учун 2—3 соат қийнаб, зўрга укол қилишди. Мана шу икки кун ичида кечаси-кундузи кўз юммаган эди. Укол олгандан кейин чарчаб ухлаб қолди. Бир соатлардан кейин уйғонди. Қарасам, ҳаммаёғи қон, қўрқиб кетдим. Дарров ҳамшира қизларни чақирдим. Лекин, улар бепарво, чой ичиб ўтираверишди. Йўқимиз чиқиб:

— Врачларни чақириб беринглр. Ахир нима қилай, қон тўхтамапти-ку — деб бақирдим. Врач Исрофил ака кирди:

— Қони суяқлашиб кетган, қўрқманг, — дея мени юлатди. Лекин, қўрмай бўлармиди, 2 соат ичида ҳамма қони оқиб кетди-ку. 3 кунгача қон қуйилади, деб юрдим. «3-группа қон йўқ» дейишди...»

Реаниматолог врач Исрофил Луқмоновдан бунни изоҳлаб беришни сўрадим:

— Бола бир жойдан укол олавергандан кейин, касаллик чўзилганда қон суяқлашиб кетади. Бошқа палаталарда ҳам оғир касаллар ётибди. Чақирганда дарров келмаса ҳам шикоят қилишди. Қолаверса, қақалоқ боладан қон 2—3 соат оқиб турганда, у ўлган бўларди. У болада шунчаки инфекциядан тўхтамаган. Ундан кейин, ўша заҳоти қон қуйилмайдиган-ку!

Янгийўл район марказий касалхонаси болалар бўлими мудири Салтанат Ибрагимова, врач ординатор Восид Катаназе, Исрофил Луқмоновлар билан сўхбатимиз узоқ давом этди. «Касаллик тарихида ҳамма дори-дармонлар қилингани қайд этилган. Бир қараганда, гўё докторларда айб йўқ. Рост, ёш она Зухра Қораева ўз хоҳиши билан тилхат ташлаб болани олиб кетган. Бироқ, шикоят хатида келтирилган ҳар бир фактни синчиклаб текширишга бурчли-миз.

«...Бошқа касалхонага ёзиб беринг, кўрсатаман. Ахир келганида қулиб турган болам 25 кун ичида тамоом бўлди-ку!

— Бемор оғир эмас, — деди Салтанат Сатторова. — Фақат, уколлар касалли енга олмайпти. Тошкент шаҳридаги 1-клиник касалхонага ёки Лабзақдаги юқумли касалликлар шифохонасига йўланма ёзиб беришим мумкин. Ўзимиз боролмаймиз, машина олиб келинг.

Турмуш ўртоғим машина олиб келиб, йўлланма учун врач хонасига кирди. Ҳамма врачлар, Салтанат Сатторова, Восид Зияевич, Турсунот Исматова, Исрофил Луқмоновлар маслаҳатлашди, — деди Фахриддин акам врач хонасидан чиққач, ўйлабди. — Агар йўлланма беришса, уларга гап тегармиш. Қизик, 10 минут олдин «йўқ» дейишган дорилар энди бормиш. Ҳозир ўғлимизни палатага олиб кирсак, қон қуйишармиш. Тошкентга олиб боришнинг ҳолати йўқ эмиш.

Турмуш ўртоғим қайнонамга, қайнонам менга, мен қўлимдаги 8 ойлик жажигина ўғилчамга қараб, бир сўз дейишга ожиздек туриб қолдим.

— Юр, ҳайда машинани, — дедилар қайнонам. — Тошкентга олиб борамиз. 25 кунда топилаган қон ҳозир бор бўлиб қолди, ахир шу ахволга туширгунча қараса бўлмас эканми! Шу боланинг аҳолининг қўриб туриб қайси касалхонада қабул қилмайди!»

Бир хат узиган

ЭНГ ОҒИР МУСИБАТ

— Шу кун — 5 ноябрда болани ўз хоҳиши билан олиб кетишган, эҳтимол 7—8 ноябрь кунлари байрамни уйда ўтказиб, кейин Тошкентдаги касалхонага олиб боришганди? — деди Янгийўл район марказий касалхонаси бош врачси Нишонали Раҳимов хат билан танишиб чиққандан сўнг. — Бу ерда қайси кунги касалхонага олиб боришгани ёзилмабди-да. Ундан ташқари, участка врачси айтган пайтда келмай, уйда ўзича дори-дармон қилиб, ўтказиб юборган бўлиши мумкин... Ахир йўлланма бергани билан у ерда ҳам худди шу институтни битирган врачлар ишлайди. Агар кучимиз етмаса бошқа касалхонадан тажрибали врачни консултацияга чақирамиз. Биз 123 минг аҳолига хизмат кўрсатамиз. Шикоят эса бир кишидан...

Биз ҳам шу ҳақда ўйладик. Шунинг учун болалар бўлимида даволанаётган бемор болаларнинг оналари билан сўхбатлашиб, шикоят хатида келтирилган фактларни текшириб-қўрмоқчи бўлдик. Бироқ, палаталарни ўзимиз айланиб чиқиш ниятида эканлиминини айтишмизга қарамай, врачлар бизни ҳоли қолдиришга журъат этишмади. Шунинг ўзи ҳам маълум хулоса чиқаришга асос бўла олади. Ахир уларнинг нигоҳи, таъбиби остида биронта аёл «мен фалон дорини олиб келдим» деб айтга олармиди... Фақат Табия Шахталиева болага қон сўраганини, бутун отаси келса, қон қуйишларини айтди.

Янгийўл район «Коммунизм» колхозидagi Асроров номли 2-урта мактаб ўқитувчиси З. Қораеванинг мухбирга берган тушунтириш хатидан:

«Мен редакцияга ёзган мактубимдаги фактларнинг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлайман. Яна шуларни қўшимча қиламан: участка шифохонасига ўғлимни текширтириш учун борган куним тўғри Халқободдаги район марказий касалхонасига олиб кетишди. Ўйга ҳам кирганим йўқ. Маҳалламиздаги келиндан уйга хабар бериб қўйишнинг сўрадим. Докторлар дори сўрагани ҳам рост. Мен бир пачка кальций глюконат олиб бориб бердим. Ундан 2 донани укол қилишга улгуришганиди. Ўша касалхонадаги бемор аёлдан бир пачка цинфамизини 4 сўмга сотиб олдим. 5 ноябрь кунги Янгийўл район касалхонаси болалар бўлимида боланинг оғир ахволда олиб кетдим. Ўша кунинг республика Соғлиқни сақлаш министри-лигининг 1-клиник касалхонасига олиб бордим».

1-клиник касалхона болалар бўлими мудири Ф. А. Ҳамроев ва врач М. Усмоновлар имзоси билан мухбирга берилган тушунтириш хатидан:

«8 ойлик бемор Ж. Қораев 5 ноябрда касалхонанинг реанимация бўлимига оғир ахволда, ярим беҳуш ҳолда ётирилди. Диагноз бўйича унга пенициллин, сульфоксамфокан, конкорбонсиллаза, глюкоза ва бошқа дори-дармонлар юборилди. 2 марта қон ўрнини босувчи плазма қуйилди. Беморга терапия хизмати кўрсатиб борилиди. Бироқ, шунга қарамай, уринишлар бефойда кетди: 8 ноябрь кунини соат 13.15 да боланинг жони узилди. Диагноз: икки томонлама шамоллаш, кўпроқ чап томонда».

Навбатчи врач М. Х. Ҳошимованинг тушунтириш хатидан:

«Ҳақиқатан, 5 ноябрь кунги бемор Ж. Қораев касалхонага жуда оғир ахволда келтирилди... Ота-она фақат бемор боланинг «касалик тарихи»дан кўчирма олиб келишган». — Кўчирмада умумий гаплар ёзилган, холос, — дейди реанимация бўлими мудири Ф. Л. Ҳамроев бизни у кўчирма билан таништирган. — Аниқ фактлар йўқ: қандай даволаш усуллари-дан фойдаланилди? Қайси дорилар қандай натижа берди? Булар тўғрисида ҳеч-нима биллиб бўлмайди.

Қизик, нима учун 1700 медицина ходимини бирлаштирган бутун бошли район касалхонасига олдин шамоллаш билан келган бемор шифо топпади? Нега касалхонада даволанаётган бемор кундан кунга оғирлашиб бораверди? Шамоллаган беморга қайта-қайта клизма қилиш тўғрисида?

Балки янги йилнинг дастлабки 15 кунини ичида район касалхонасининг 100 ўринга мўлжалланган болалар бўлимида 4 та болалар ўлими содир бўлган, районда болалар ўлими область кўрсаткичидан анча юқори эканлиги ҳам ана шу саволлар билан боғлиқ ҳолда ўйлаб қўриладиган муаммо эмасмикин?

Шундай қилиб, район марказий касалхонаси болалар бўлими врачлари даволаш шу ернинг ўзида давом эттирилганда бемор Ж. Қораевнинг ҳаёти сақлаб қолинишига шубҳа қилишмайди. Бўлимида барча керакли дори-дармонлар етарли эканлини тасдиқлашди. Бундан хулоса асашга ҳаракат қиламиз: дастлабки 10 кун ичида диагноз бўйича тўғри дори-дармон берилганида Жамшид ҳозир ҳаётдан бевақт кўз юммаган бўларкан-да! Олдин шамоллаш билан касалхонага келтирилган бемор Ж. Қораев аниқ бир диагноз бўйича даволанмаган. Шунинг учун ҳам касалининг аҳоли тобора оғирлашиб бораверган бўлиши мумкин. Қолбуки, шамоллаш диагнози қишлоқ касалхонасидаёқ қўйилган экан! Марказий касалхонада эса юқорида кўрганмиздек, даволаш учун гоҳ қон йўқ, гоҳ дори-дармон йўқ. Оғизда бор, амалда йўқ...

Шу ўринда ҳайрат билан одий маълумотли врачларни қоралаш, панд-насихат қилиш, касб бурчларини эслатиш ниятида эмасдим. Зеро, сездимки, бусиз ҳам улар жуда яхши билишди. Бироқ, мени бошқа нарса ўйлантириб қўйди.

З. Қораева билан сўхбатдан:

— Кеча ҳамкасбам билан «Коммунизм» участкасидаги касалхонага гинеколог врачга борганим. Асбобларим туғди, кўролмайман, биздан шикоят қилиб яна иши тушиб келишибди-да! — деди киноя билан Замира исмли врач.

— Мен галати бўлиб кетдим. Тўғри, шикоят ёзган билан болам тирилмайди. Лекин бошқа аёлларнинг бошига ҳам менинг куним тушиши мумкин-ку! Ахир қаюнчага ҳақ шикоятни ёзишга ҳам қўриқиб қийин. Ўзганим — бу ахвол...

Дарҳақиқат, қачонгача? Замирага «шикоятчи»дан ўч олишга ва унга ўз хизматини рад этишга ким ҳуқуқ берди?

—Дунёда энг оғир мусибат—ўз фарзандининг ўлими устида туриш, дейишди. Зухра Қораева энди 25 ёшда. 2 фарзанднинг онаси эди, биридан айрилди. Мана шу ёшда оғир дардини бошдан кечирди. Жонсиз ўғлининг рангсиз юзига қобиб, нима ҳақда ўйлайдикин? Фарзандининг илк бор дунёга келганидан ҳаммани хабардор қилиб, қаттиқ чинқирганини? 8 ой ичидаги бедор ўтган тувларини? Қулиб қараётган Жамшиднинг оналик меҳри билан бағрига босиб, қалби қувонгча тўлган дамларини? Эҳтимол, худди ўша дамида у ўғлининг яшаш мумкинлиги, бироқ фарзанд эътиборсизлигини, татмағирлигини қурбони бўлгани тўғрисида ўйлагандир?!

Ҳа, ҳамма нарсани ўз номи билан ошқора айтилаётган бир пайтда Янгийўл район медицина ходимлари эски қилидан чиққини урдаёлаётганга ўхшайдилар. Ҳам фикрлашда, ҳам амалиишда. Қайта қуришнинг шамоли касалхонага ҳали ҳам етиб бормабди.

Саодат ҚУШОҚОВА;
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

ТРАМВАЙ ҲАЙДОВЧИСИ МУЛОҲАЗАЛАРИ

ХАТАРЛИ ЙЎЛЛАР

ПОИТАХТ шаҳримизда кейинги уч-тўрт йилда пассажир транспортини яхшилаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўпгина тadbирлар амалга оширилди. Мен ҳам шаҳар пассажир транспортини ҳайдовчиси сифатида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича айрим мулоҳазаларни ўртоқлашмоқчиман. Аввало, ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи светофорлар ҳақида. Чорраҳада светофор ишламай қолса катта машамани ўша ерда кўринг. Машина ҳайдовчилари чорраҳадан ким ўзара ўтиш ўйнашди. Натижада, бундай «пойга» фалокатга олиб келади. Ана шундан кейингина бу чорраҳада ГАИ инспектори пайдо бўлади. Авария рўй бермагунча кун билан светофор ишламай тураверади. Айтмоқчиманки, светофор бузулиши билан унга тузатиш ҳақида қайғуриш керак!

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида йўловчиларга ҳам жиддий эътироз билдиришмоқчиман. Ўтган йили Энгельс кўчасида (Олой бозори яқинида) йўловчилар учун ерости йўли қурилди. Минг афсуски, бу ерости йўлидан ҳамма йўловчилар ҳам бирдек фойдаланмаптилар. Кўча юзидан югуриб ўтиш ҳоллари учрамоқда. Бу эса ҳаракат хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Худди шундай ерости йўли Пушкин майдонида ҳам бунёд этилса ёмон бўлмасди. Чунки одамлар метродан чиққач, трамвай бекатига кичик катта йўлни кесиб ўтишлари керак.

Лисунсов номли кинотеатрдан то Ашрафий кўчасигача бўлган масофада манзарали дарахтлар қалин қилиб ўстирилган. Бу эса трамвай ҳайдовчисидан шу масофада жуда эҳтиёткорлик билан бошқаришни талаб қилади. Чунки дарахтлар орасидан тўстатдан одам чиқиб қолиши мумкин. Трамвай эса ҳар қандай тўсиқни айланиб ўтиш имконига эга эмас. Техника эксплуатацияси қондасида эса трамвай изига 2 минг миллиметр бўлган масофа очиб бўлиши керак деб ёзиб қўйилган. Демак, ушбу дарахтлар ҳаракат хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Оҳангаров поссеси бўйлаб кетаверишда Алиев кўчаси кесинган чорраҳадан то трамвайнинг охириг бекатигача бўлган масофада ҳам худди шундай манзарани кўриш мумкин. Фақат бу ерда дарахтлар эмас, қурувчиларнинг вагончалари турибди. 4-қаврат бекати яқинида саф тортган бу вагончаларни саф нарироққа суртишнинг иложи йўқмикин?

Туриш машиналарнинг трамвай излари бўйлаб юриши ҳамон давом этмоқда. Натижада трамвай излари орасига шағаллар тўкилиб қоляпти. Бу эса трамвай ҳаракатига жиддий хавф туғдиради. Генерал Петров кўчасида Салор кўпирги остида йўлнинг йўли неча марта асфальтлашнинг қарамай яна «ўз ҳолига» қайтиб, ўйим-чуқурилардан иборат бўлиб қолмоқда. Менимча, бу йўлга асфальт ўрнига шпал ётиқизилса мақсадга мувофиқ бўларди.

А. ЮСУПОВ,
трамвай ҳайдовчиси.



ДИҚҚАТ, БЎРИ!

БЎРИ макор ва қонхўрлиги билан ажралиб туради. У чорвачиликка катта зарар келтиради. Шунинг учун ҳам қадимдан унга қарши курашиб келинган.

Лекин 70-йилларда бу ваҳший ҳайвоннинг хомийлари ҳам кўпайиб қолди. У, ҳатто, касалланган ёввойи жониворларни йўқ қилиш билан ўзига хос санитар родини уйнайди, деган фикр ҳукм сурди. Мамлакатимизнинг айрим регионларида уни ов қилиш тақиқлаб қўйилди. Лекин бундай лоқайдликнинг оқибати ёмон бўлди. Бўрилар кўпайиб кетди.

Масалан, областимизнинг Пском воҳасида кейинги бир неча йил ичида бўрилар сони хавфли даражада ошди. Бу ваҳшийлар, ҳатто, қўнқуларни кўни ҳам уй ҳайвонларига ҳужум қила бошлади.

...Тепар қишлоғида истиқомат қилувчи Алимбой отанинг уйда кундуз соат 12 ларда сизирнинг одатдан ташқари қаттиқ маъраши қўлоққа чалинди. Уйда ҳовлига югуриб чиққан оила аъзолари ўз кўзларига ишонмасди: девор ёнида «қароқчи» қўйни бўғизлаб, иштада билан уни ерди. Уйдагилар жом чалишганда ҳам бўри назар-писанд қилмади. Қоринни тўйгазиб олгандан кейингина жунаб қолди.

...Бу воқеа тунда содир бўлди. Ҳўтувчи С. Икромов ўзининг шахсий машинасида уйига қайтарди. Кўчанинг ўртасида бўрини кўриб қолди. Йўлнинг бир томони баландлик, иккинчи томони эса жар бўлгани учун ваҳший ҳеч қаёққа қочолмасдан йўл бўйлаб югуриб кетди. С. Икромов машинани тезлаштирди ва қисқа вақт ичида бўрини мажақлаб ташлади.

Кейинги вақтларда бундай қонхўрларни ов қилишни рағбатлантиришга қаратилган айрим тадбирлар белги-

ланди. Жумладан, уларнинг териси учун тўланадиган ҳақ миқдори кўпайтирилди. 1985 йилдан бошлаб катта ёшдаги ургочи бўрини ўлдирганлик учун 150 сўм мукофот тариқасида тўланадиган бўлди. Илгари эса 50 сўм бериларди. Катта бўрини ов қилгани учун 100 сўм, боласининг терисини топишгани учун 50 сўм тўланмоқда.

Бироқ, шундай бўлишига қарамай бўри ови ҳамон оммавий тўс олгани йўқ. Чунки бу жуда оғир. У ҳар қандай овчининг ҳам қўлидан келавермайди. Бу ваҳшийни ов қилиш учун унинг хатти-ҳаракатларини ниҳоятда яхши билиш лозим. Ҳозир эса бундай овчилар жуда кам. Ҳатто овчилик хўжаликларининг егерлари ҳам ўз маҳоратлари билан мақтана олмайди. Шунинг учун пойтахт областимизда бўриларга қарши кураш стихияли характерда бўлмоқда.

Ов қилишнинг синалган усули бор. Бир вақтлар унга амал қилинарди. У ҳам бўлса бригада бўлиб овга чиқишди. Кейинги йилларда худди шундай усулни қўлланш дуруст натижа бермоқда. Буни мисолларда ҳам кўрсатса бўлади. Масалан, беш кишидан иборат овчилар бригадаси Пском ўрмончилик-овчилик хўжалигида 1986 йилда 7 та бўрига қирон келтирди. Ўтган йили эса улар 5 та бўрини ўлдиришди.

Лекин бу рақамлар хотиржамлашиш учун асос бўлмайди. Чунки фақатгина ўтган йилнинг охирида Пском посёлкиси атрофида бўри учта тойчани бўғизлаб ташлади. Полвонак қишлоғида эса 7 та эчкини еб кетди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. У хавфли касалликларни тарқатувчи манба бўлиши мумкинлигини ҳам унут-

маслик лозим. Уларнинг сони кўпайиши ва бўриларга қарши курашнинг сусайиши ҳатто инсон ҳаёти ва саломатлиги учун ҳам хавфли бўлиши мумкин. Шуларни ҳисобга олиб, уларнинг сонини халқ ҳўжалигига ҳеч қандай зарар келтирмайдиган даражага камайтириш зарур.

Ачинарлиси шундаки, қишлоқларда бўри овига ихтисос-



✦ ҚУЛМИРЗА Қалимбетов Бўстонлиқ районининг Фрунзе номи колхозда меҳнат қилади. Ишдан бўш вақтларини кўпинча овчиликка бағишлайди. Қарийб 20 йилдан бери безор жониворлар қушандиси бўри ва тулкиларни овлашда қатнашади. Яқинда омади келиб бир чиқишда 4 та бўрини ер тишлатди. СУРАТДА: Қ. Қалимбетов бўри териларини район тайёрлов идорасига олиб кетяпти. Бўрининг учун пул мукофоти билан тақдирланади.

В. Портнов фотоси.

операциядан кейин сеҳргар яна ўзининг севимли иши билан шугуллана бошлади.

ҚОЧИБ ҚУТУЛАОЛМАЙСИЗ

Криминалистларда бармоқларнинг нисбатига кам фарқ қиладиган изини аниқлаш ишонини берадиган восита пайдо бўлди. Ҳатто бир неча ҳафта илгари қолдирилган из ҳам аниқ маълум бўлади. Микроорганизмлар изқуварларининг

бекиёс қўмақдоши чиқиб қолди. Бармоқ изларига махсус гел билан суртилган бактериялар кўпайиб, 24 соатдан кейин уларнинг колонияси жим-жамдор тери изларини аниқ қайтаради. Бир қанча мамлакатларнинг олимлари бир вақтда бу технологияни ишлаб чиқдилар. Эндиликда эса уларнинг энг актив ишлайдиганларини танламоқдалар. Инсон терисига яшовчи бактериялар шундай бўлиши мумкин.

Тошкент ҳайвонот боғида ноёб паррандалар турлари ҳам парварил қилинмоқда. Уларнинг ҳаёт тарзини ўрганиш ва насл олиш мақсадида тадқиқотлар олиб борилаётган. Ушбу суратларда шундай қўшлардан тову ва тасқарани кўриб тураёсан.

Д. Аҳмедов фотолари.

тиқид моддаларнинг парчаланиш жараёнини кам деганда саниқз марта тезлаштира олар экан.

Илмий изланишлар ва амалий ишлар натижасида олинган маълумотлар энг оддий сув кўкатларининг мураккаб органик моддаларни парчалаш жараёни, сувларни зарарли моддалардан тозалашдаги роли катта эканлигини исботлади. Шундай бўлган, уларнинг тозаловчилик хусусиятларидан фойдаланишни ҳар томонлама кенгайтириш керак.

БУ—ҚИЗИҚ


ГАРОЙИБ ЭГИЗАКЛАР

Эгизаклар ҳақида жуда кўп гаройиб воқеаларни эшитганмиз, ҳатто улар бир-бирини қўшиб тутилган. Бироқ ошанинг Эми ва Элизабет, билан бўлган воқеага ўхшашлар бўлмаган. Уларнинг онаси Мэри биринчи никоҳидан икки бола туғган ўзини бичтирган. Бироқ у олдинги эридан ажралиб Фил Рейтин яхши кўриб қолиб, у билан турмуш қўрган. Янги эр-хотин бола бўлишини истаган. Яқинларга бу ишнинг удрасидан чиқиб бўлмасди. Лекин, ҳозирги замон фани уларга ёрдамга келди ва «пробиридан баби» усулидан фойдаланишни таклиф этди. Оналик тўғимҳўжайраси бир дақиқада уруғлантирилди, бироқ унда иккита эмбрион, яъни бир тўғимли эгизаклар ҳолилашди. Уларни ажратиш ва онани навабати билан имплантация этишга қарор қилинди. Шундай қилиб аввал Эми туғилди, яна... 18 ойдан кейин эса Элизабет олам юзини кўрди.

Ота-она гўдакларни севиб ўстиришяпти ва янги авлод ҳақида ҳам ўйлашмоқда. Бироқ психологлар ва бошқа мутахассисларни гаройиб эгизакларнинг бундан кейинги ўсиши қандай бориши ҳақидаги масала ташвишлантирмоқда.

1. Баҳор даракчиси бўлган фойдали қуш. 2. Шифобахш мевалардан бири. 3. Танаси тиканли хушбўй гул. 4. Дукканли эким. 5. Хушбўй баҳор қўти. 6. Чумчуқсимон сайроқ қуш. 7. Урик нави. 8. Сербарг хушбўй қўти. 9. Атмосферада юз берадиган табиат ҳодисаси. 10. Дархат тури. 11. Оқ, сарқангли кўп йиллик гул. 12. Сершоҳ, серсоя катта дархат. 13. Пахта уруғи. 14. Эрта пишар хўл мева. 15. Узум ўсимлиги туپи. 16. Гул шайдоси бўлган ҳашарот. 17. Дархатнинг баҳордаги илк янги аъзоси. 18. Қўёсавар мойли ўсимлиги. 19. Тоғида ишлатиладиган қўти экимлар. 20. Ошқўк учун экиладиган хушбўй ўсимлиги. 21. Меваси доривор гул тури. 22. Қўёшга қарама-қарши томонда ҳосил бўладиган табиат ҳодисаси. 23. Ползада этиладиган себзавот. 24. Янги унинг чиққан ўт. 25. Баланд-паст қирли ерлар. 26. Таъми нордон тоғ ўсимлиги.

Тузувчи Ф. ОРИПОВ.




ОШҚОЗОН ЭМАС, АСЛАҲАХОНА

Каликуттадаги касалхоналарнинг бирига бир сеҳргар мурожаат қилди. У ошқозонидан қандайдир нохуш ҳолатларга гашм келатганини ҳақида шикоят қилди. Бу эса касб машғулотларига ҳалақит бераётганини, айниқса, турли хил металл буюмларни ютиб

кўрсатишда қийналаётганини айтди.

Врачлар текширув ўтказишди, сўнгра ғалати беморни жарроҳлик столига етказишди. Орадан кўп ўтмай унинг қориндан ималарин олишмади, дейсиз! Улар орасида 20 та қаламтарош, ўнлаб балқ қармоғи, кўплаб қалитлар, металл буюмлари ва бошқа майда-чуйда нарсалар бор эди. Беморнинг ошқозони аслаҳахона бўлиб кетган экан. Шундай





Севган шoirлари билан учрашишди

ТОШКЕНТ шаҳрининг Чилонзор районидagi Абдулла Қодирий номи 162-ўрта мактабда сеvimли болалар шoirлари Қуддус Муҳаммадий ва Илҳос Муслимлар билан учрашув бўлиб ўтди. Кечада мактабнинг 4-синф ўқувчилари ҳар иккала адиб шеърларидан намуналар ўқиб бердилар. Сўнгги пионерлар ўзлари тайёрлаган концертни дав-ра иштирокчиларига намойиш этишди.

— Биз беҳад ҳурсандимиз, — деди Ўзбекистон ССР халқ шoirи Қуддус Муҳаммадий, мактабда ўзи ҳамда ҳамроҳининг фахрий пионерликка қабул қилинганлигидан чин кўнгилдан миннатдор бўлиб, — умримиз борича ижод ва меҳнатимиз билан сиздек авлодга хизмат қилаверамиз. Учрашув сўнггида болалар шoirларга бир неча савол-лар билан мурожаат қилдилар. Улар ўз ижодий режалари ҳақида гапириб беришди.

М. МИРБОБОВА.

«ОЙИЖОНИМ ЯХШИЛАР»

— Қани Юлдуз Гўлчеҳранинг ёнига туриб ол-чи, сен ҳам Мўминсига яқинроқ кел, Ботир.

Бир-бирдан чиройли орас-та кийинган, жамжиқлар бир пасда музика раҳбарлари Му-ассар Боқижоновга айтгани-дек сафландилар.

— Қўшиқини қайтарамиз. Олдин музикани бир бор тинглаб олинглар, хўпми!

— Хўп.

— Бошладик.

Панинода жарангдор, шўх-чан куй янграйди. Зал бўйлаб «Ойиҷоним, яхшилар», «Ме-нинг икки онам бор», «Гўл тақдим этдим» қўшиқлари та-ралади.

— Қўнғирқоқдек овозларин-гиздан ўргилай, — дейди кич-кинтойлар концертини томо-ша қилгани келган аёллардан бири Муҳаббат Расулова ўз қизчаси қатори ҳамма бола-ларини эркалаб. Сизларга тар-бия бераётганларга минг раҳ-мат.

— Сизга ҳам, опакон, — миннатдорчилик билдиришдаи 393-боғча мудириси Матлуба Гафурова, тарбиячилари Ҳа-лима Мақсудова, Гўзал Оби-довалар.

— Бу ерда байрамлар олди-дан ўтадиган ҳамма тадбирлар мароқли бўлади, — дейди Шахло Маҳмудова, — турли йиллар мобайнида менинг қатор фар-зандларим тарбияланишди. Очгинини айтсам, коллектив-нинг меҳнатидан хурсандман.

Ҳақиқатан ҳам бу боғча кич-кинтойларини эстетик руҳда тарбиялаш борасида анча намунали ҳисобланади.

Унда энг сўнгги тадбир хотин-қизлар байрамига ба-тишланди. Бу даврада кенжа-тойлар оналари, бувиқонла-рига ўзлари безатган табрик-откриткаларини ва ўйинчоқла-рини совға қилдилар. Жам-жилар концертида Ботир Қо-диrow, Отабек Гўломов, Бахти-ёр Аҳмедов сингари кичкин-тойлар айтив қатнашдилар.

У. МАНСУРОВА, Акмал Икромов райони.

ЭНДИ араваҳонада футбол ўйнамайдиган бўлди. Нега десангиз бир тўпимиз Ик-ромларнинг томига тушди-ю, йўқолди. Сўраски, ҳовлига тушмаган эмиш, томон-дам топилмади. Бунинг сабабини ҳамма-миз ҳам билардик. Индамай қўяқолдик. Иккинчи тўпимиз Қодир амакиннинг ҳовли-сига тушган эди. У олиб чиқиб кўз олди-мида пичоқ билан тилиб ташлади. Ава-лига, лабим буришиб кетди-ку, кейин ёл-гон бўлса ҳам илжайган бўлдим. Копток ҳам яхши иш қилмабди-да, тўппа-тўғри бо-риб болоҳонанинг соясида ўхлаб ётган Қодир амакиннинг пешонасига тушибди. Бунинг ҳаммасига Жалил айбдор. Секин-роқ тепса бўлмасиди, ахир.

Мана бутун футбол ўйинини бошқа жой-га кўчирдик. Бу ерда ҳам чакки эмас. Бо-ши берк, тинч, кенггина кўча. Бир то-монда таги тушган пақир билан аримта гишдан, бир томонда бир тош билан порт-фелдан дарвоза ясадик. Мен тўпин пуф-лаб шиширдим, зўр билан пуфлаган экан-ман, нақ чаккамнинг териси қулогимга-ча кўчиб кетгандек бўлди.

«Сен тўпин баланд тепасан», — деб Жа-лилни ўйинга қўшмаган эдик. Буни қа-ранг-ки, ўйин энди қизиқ келаётганда мен тепган тўп олиб, Мавлон акалариникига тушди. Югуриб ҳовлига кирдим. Ҳовли эга-лари супада овқатланишгаётган эди. Мен тўпин ола югуриб чиқиб кетаётган эдим, Мавлон ака чақириб қолди. Мен «рахмат», деб яна югурдим. У яна чақирди. Бормас-ликка илож қолмади. Сўлага яқинлашдим.

— Ассалому алайкум, — деди менга Мавлон ака.

— Ассалом, — дедим шошганимдан, чунки бутун ҳаёлим тўйда бўлиб, салом беришни ҳам ўйламаган эканман.

— Утир.

— Қорним тўқ.

— Сенга овқат е, деб қистаётганим йўқ.

Биров чақирдим — дарров келиш керак.

«Утир» дедими — ўтириш керак.

Мен индамай ерга қерадим.

Мавлон ака яна гап бошлади:

— Дадангни ҳам сўрамайсан-а, чатоқвой.

Даданг салом айтиб юборди. Мендан бе-риб юборган хатинг учун хурсанд бўлди.

Сал туриб уйларингга бормоқчи эдим, ях-ши бўлди, — ўзинг келиб қолдинг. Мана бу хатин, — деди у чўнтагидан бир конверт

ТЕЗ АЙТИШЛАР


Назир, Носир ҳозир мут-тасил ер қазир.

Қўчқор қорли қирда қирқ-та қора қашқирин қирди.

С. ГАФУРОВ.

Типратиканинг тикани тик бўлса ҳам типратикан, тикани тик бўлмаса ҳам типрати-кан.

М. ХОЛДОРОВ.



— Чувалчанглар нечта бўлди. Ўғлим?

— Билмадим, товуклар санашаяпти.

Р. Убайдуллаев расми.

чиқариб, — даданг бериб юборган эди. Мана бу — пул. Ойинга бериб қўй. Айт-гандек, дадангга бир эллик хат ёзиб бер-санг ёмон бўлмас эди. Эртага жўнайман.

У менга, ён дафтери билан қаламини узат-ди. Мен шундагина Мавлон аканинг Га-лида дадам билан бирга ишлашини эсла-дим. Кўчадан эса болалар олдинма-кетин чақиршади.

— Ўйда ёзиб келаман, — дедим-у, Ма-влон ака берган конвертни чўнтагимга ҳа-м олти-етти ой бўлиб қолди. Иш кўп. Бу е-рни келиб кўрсанг ҳайрон қолсан. Хохла-санг каникулда олиб келаман. Томоша қи-либ кетасан. Кейинчалик шу ердаги ҳунар мактабига кирсанг ҳам бўлади.

Айтгандай, онам ва укаларининг соғ-лиғи яхшимди? Ўқилларинг қалай? Мен Тош-кентдан жўнаётганда айтган гапларим қу-логингда турибдими? Ойингга қарашиб, укаларининг овутиб юрибсанми? Сен эн-ди катта йигит бўлиб қолдинг, ўғлим. Хат юборган экансан, шошиброқ ёзган кўр-масан. Мен уни ҳам юбордим, ўзинг ҳам ўқиб кўр!

Менга ўзинг, ойинг, укаларинг ва бошқа-лар ҳақида тўлароқ хат ёзиб юбор. Укала-рингни ўлиб қўй.

Ҳаммагизга соғлиқ тилаб, даданг.

Ойим хатини менга узатдилар-да.

— Мана ўзинг жавоб ёз, сенга экан, — дедилар.

Ҳар кунни копток тепишга кетганим қаллим, билмадим, хатини ҳам «қотириб» ёзган эканман. Ўнда шошганимдан: «Дада, юборган пулингизни олди», — деган жум-ладаги «дада» сўзида «а»ни тушириб қол-дирган, пулингизни ўрнига «қулингизни» деб ёзган эканман. «Дад юборган қулин-гизни олди» бўлиб чиқибди, энди дадам келганида нима баҳона қилишни ўйлаб юрибман.

Яхшиси, баҳона қидирмайин-у, футболни камроқ ўйнаб саводимни тузатай, деб дарсхонамга кирдим.

Меҳрибон МАҲМУДОВ.

«РУС ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ» КИТОБИДАН.

ЭЧКИ

БИР рус мужики эчкисини сотгани бозорга олиб борган экан. Эчкини сота олмади, уйига, ўрмон ичидан қайтаётганида, бир жойда ўлиб ётган бўрини кўриб қолибди. Мужик бўри тепасига келиб, «Нима қилсам экан!» — деб ўйлаб қолибди.

Худди шу маҳал унинг ёнидан бой ўтиб қолибди. Бой мужик эчкисига қараб:

— Бу ерда нима қилаяпсан! — деб сўрабди.

— Мана кўрмаяпсанми, эчкини бўрини тутиб, ўлдириб қўй-ди. Энди уни нима қилсам экан деб ўйлаб турибман.

Мужик ёлгон гапларидан дарров қизариб кетибди.

— Бўрилар билан олишса, бу жуда яхши эчки экан, уни менга сотмайсанми!

— Эчкимга қанча сўм берасиз! — сўрабди мужик бойдан.

— Рози бўлсанг юз сўм бераман.

— Майли, ола қолинг.

Бой эчкини сотиб олиб, бўйинга узун арқон улаб, уни ўрмондаги дуб дарaxтга боғлаб қўйбди.

Бир бўри эчки рўпарасида пайдо бўлибди. Эчки бўлса, фақат «ме-ме-мела» тураверибди.

Бой ярамас эчки-ей, бир бўрини писанд ҳам қилмаеп-ти-я, деб ўйлабди бой.

Яна бир бўри келибди. Эчки фақат «ме-ме-ме» дер экан.

— Қойил, мана бун эчки деса бўлади! Иккита бўрини ҳам писанд қилмаепти-я! — деб ўйлабди бой.

Шу пайт ўрмон ичидан учинчи бўри чиқиб қолибди. Учов-лон бўрилар эчкини олиб қочиб, бўлак-бўлак қилиб ташла-шбди.

Бун кўриб турган бой:

— Вой ярамас эчки-ей, учта бўрига кучи етмас экан, нега энди иккитаси билан олиша қолмади экан! — дея ҳай-рон бўлган экан.

Зухра ГАФУРОВА таржимаси.

БЎЛДИ ҚИЗИҚ ТҮПОЛОН

Ҳоҳ ишонма, ҳоҳ ишон. Бўлди қизик тўполок! Таригил деган мушугим Очибди тўртта туҳум. Жўжалар тўрт ойқил. Ҳам динқайган қулоқли. Кучугим чўчиб кетди. «Пир» этиб учиб кетди. Хўроз «Вов-» деб бақирди. Милиция чақирди. Товуғим ер тепинди. Муҳонига бекинди. Сигир чиқиб қўндоққа, Бошлада маърамоққа. Томга чиққолиб бузоқ, Отида роса шаталоқ, Қўй қочиб ҳар томонга, Тушиб қолди қозонга. Эчки соқолини юлди. Одамга ўхшаб кўлди. Сичқонлар чалиб қарнай, Шоқин солишди бай-бай! Бошимдан учиб ҳушим, Бир вақт қарасам —

тушим...
Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

«МАСЛАҲАТЧИ»

Роса эҳтиёт қилиб
Машинасини ўйнай Нор.
Қаранг олдига келиб
Нима дейди Бахтиёр:
— Утди туғилган кунинг,
[Ва ўзча кўлади]
Машинанинг қўрқмасдан,
Энди бузсанг бўлади...
Ҳабиб РАҲМАТ.


«ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...»



— Арисини қўриб қўй қолай.



— Мен ҳам филни арига тақтириб қўймайман.



— Вой сендақа қўриқчи-дан ўргилдинг.
Д. Викиский расмлари.

ТОПИШМОҚЛАР

Кўк тандирда оппоқ нон,
Пилшан эмас ҳеч қачон.
Шошиб кўйда сузади,
Дала-даштин кезади.
Дарaxт дарров сезади,
Унга қўлни чўзади,
Шоҳдан япроқ узади.
Кучли бўлса беазади.
Ойнаванд иссиқ сарой,
Ичи далами дейсиз,
Қишда ҳам ёздагидай
Ундан сазавот ейсиз.
Ғ. СОБИТОВ.

14 март,



● MT-I

7.00 «120 минут», 9.05 Готвальд. Бадий фильм. 4-серия. 10.45 Футбол шарҳи. 11.15 ва 16.00 Янгилар. 16.15 Қайта куриш прожектори. 16.25 Касб танлашда. 16.55 Биз қандай дам олаёлими? 17.30 Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 18.00 Илмий-оммабоп фильм. 18.20 Концерт. 18.45 Ҳужжатли фильм. 19.05 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. «Партия комитети ва қайта куриш». 19.50 Готвальд. Бадий фильм. 4-серия. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Киножурнал. 22.30 Рус халқ оркестрининг 100 йиллигига бағишланган халқ куйлари Бутунроссия декадасининг очилиши. Танарфус пайтида — Футбол шарҳи. 01.00 Дунё воқеалари.

● MT-II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35. Физика. 10.05 Рус тили. 11.05 А. Блок. «Ун иккинчи» 11.35, 12.35. Астрономия. 12.05 Илмий-оммабоп фильм. 13.05 ГАИ инспектори. Бадий фильм. 14.25 Ҳужжатли фильмлар. 15.15 Янгилар. 15.25 Виждон. Бадий фильм. 1-серия. 18.30 Янгилар. 18.45 Совет Иттифоқига хизмат қилмаган. 19.45 Халқаро панорама. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Москва — Лондон телекўприги. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 «Иллюзион». «Қирқ биринчи». Бадий фильм. 23.25 Тонгги почта. 23.45 Янгилар. 24.00 Теннис. СССР чемпиони.

● ҒЗТВ-I

17.30 Ботаника. 18.05 Болалар учун фильмлар. 18.30 Усмир ва қону. 19.00 Резерв № 1. Самарқанд областидан кўрсату. 19.30 «Ахборот». 16.45 Келажак олдидан қарздор. Шоир Шукруллонинг «Сайланма» китоби ҳақида. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Баҳор» рақс ансамблининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Иккинчи баҳор. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Светофор—87» ғолиблари мукофотландилар. 20.30 Телефильмлар. 21.30 Фрунзе кўрсатади.

15 март,



● MT-I

7.00 «120 минут», 9.05 Готвальд. Бадий фильм. 5-серия. 11.10 ва 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Астрахань телевидениесининг программаси. 17.05 Болалар учун фильм. «Тогдаги кўл сира». 18.15 «Қадрдон ўлка оҳанглари». 18.35 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. Тарих саҳифалари. 19.05 Дунё воқеалари. 19.25 Готвальд. Бадий фильм. 5-серия. 21.30 «Время». 22.00 Қайта куриш прожектори. 22.10 Кино ва томошабин. 23.40 Концерт. 00.05 Дунё воқеалари.

● MT-II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.05 Илмий-оммабоп фильм.

9.35, 10.35. География. 10.05 Француз тили. 11.05 Биология. 11.35, 12.35. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 12.05 Француз тили. 13.05 Ҳужжатли фильмлар. 13.50 Оҳандор тошлар. Фильм-концерт. 14.20 Янгилар. 14.30 Виждон. Бадий фильм. 2-серия. 18.30 Янгилар. 18.40 Ритмик гимнастика. 19.10 Музикали киоск. 19.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Британия билан учрашулар. Таллин—Белфаст телекўприги. 21.30 «Время». 22.00 Қайта куриш прожектори. 22.10 «Малина виноси». Бадий фильм.

● ҒЗТВ-I

16.45 География. 17.15 Телефильм. 17.30 Рус адабиёти. 18.05 Ўзбек тили сизлар учун. 18.25 Мультифильм. 18.45 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Эшонкулов билан учрашуви. 19.30 «Ахборот». 19.45 Оқ чорлоқ фарёди. Видеофильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Дутор ва танбур тароналари. 21.30 «Время». 22.00 Қайта куриш прожектори. 22.10 Театр ва замон. 23.10 Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Ҳужжатли фильм. 19.55 «Кема уч соат тудари». Бадий фильм. 21.10 Кескин танқид остида. Ўзбекистон телевидениеси, Тошкент шаҳар халқ контроли комитети ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг биргаликдаги рейди. 21.30 Душанба кўрсатади.

16 март,



● MT-I

7.00 «120 минут», 9.05 Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари. Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 11.35, 16.00 Янгилар. 16.15 Қайта куриш прожектори. 16.25 Агросаноатнинг ишлари ва ташвишлари. Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси. 17.05 «Салом музика!» Мактаб ўқувчилари учун кўрсату. 17.50 Фан: назария, таъриба, практика. 18.20 Фидойи шахслар. 19.05 Дунё воқеалари. 19.25 «Раҳмат. Верный». Мультифильм. 19.35 «Объектив шароит». Телевизион фильм-спектакль. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Табиат билан ҳамжиҳатлик. Ҳужжатли фильм. 22.35 Футбол. 00.25 Сан-Ремодаги италян кўшиқлари фестивалида. 1-кўрсату.

● MT-II

15.15 Виждон. Бадий фильм. 3-серия. 18.30. Янгилар. 18.40 Қадрдон ўтмиш. Ҳужжатли фильм. 19.00 Замондошларимиз музикалари. 20.00 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Британия билан учрашулар. Москва—Манчестер телекўприги. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 «Кравевога борадиган поезд». Бадий фильм. 23.35 Янгилар.

● ҒЗТВ-I

7.00 «Ассалому алайкум», 16.45 Юлдузча. Болалар учун киноальманах. 17.30 Биология. 18.00 Ўқитувчи экрани. 18.30 «Алиса мўъжизалар мамлакатидан». Мультифильм. 19.00 Бутуниттифоқ XIX партия конфе-

ренцияси олдидан. 19.30 «Ахборот». 19.45 Ижод саҳифалари. 20.30 «Ахборот» 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Уялиниш. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Ҳужжатли фильм. 20.30 Совет Армияси жангчилари учун. 21.30 Душанба кўрсатади.

17 март,



● MT-I

7.00 «120 минут», 9.05 Футбол. 11.00 Хайвонот оламида. 12.00, 16.00 Янгилар. 16.15 Қайта куриш прожектори. 16.25 Телевизион ҳужжатли фильм. 16.45 Концерт. 17.20 Иқтисодий билимлар асослари. 18.00 Музикали ҳазина. 18.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.40 РСДРП I съездининг 90 йиллиги. 20.10 Дунё воқеалари. 20.30 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Концерт. 23.25 Дунё воқеалари.

● MT-II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35. Умумий биология. 10.05 Испан тили. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35 Оила турмуши этикаси ва психологияси. 12.05 Испан тили. 13.05 «Кравевога борадиган поезд». Бадий фильм. 14.20 Ҳужжатли фильмлар. 14.55 Янгилар. 15.05 Виждон. Бадий фильм. 4-серия. 18.35 Янгилар. 18.45 Кишлоқ янгилар. 19.45 Концерт. 20.00 Ритмик гимнастика. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Британия билан учрашулар. Рига—Глазго телекўприги. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Ҳужжатли фильмлар. 23.20 Янгилар.

● ҒЗТВ-I

7.00 «Ассалому алайкум», 16.45 Болалар учун фильм. 18.05 Мультифильм. 18.15 «Ёшлар» студияси кўрсатади. 19.00 Кўзилатиш кампанияси — чорвадорлар учун масъулиятли давр. 19.30 «Ахборот». 19.45 Ўзгача ва замон. 20.20 Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 «Грета» вилласининг сири. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 Кўсерик. Бадий фильм. 21.10 «Енгиндан эҳтиёт бўлинг!» 21.30 Фрунзе кўрсатади.

18 март,



● MT-I

7.00 «120 минут», 9.05 «Объектив шароит». Телевизион фильм-спектакль. 11.00 Фидойи шахслар. 11.45, 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Таъриба, муаммолар, мулоҳазалар. 17.00 Болалар учун кўрсату. 17.30 Украина телевидениесининг программаси. 18.25 Мультифильм. 18.55 Москва об-ласти кишлоқ пудрати ва-

киллари меҳмонимиз. 20.25 Дунё воқеалари. 20.45 Москва — Ноттингем телекўприги. 21.30 «Время». 22.00 Қайта куриш прожектори. 22.10 Хатларга жавоблар. 22.45 Э. Пехе ижоди ҳақида. 23.30 Нигоҳ.

● MT-II

9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35. Музика. 10.05 Инглиз тили. 11.05 Тарих. 11.35, 12.35. География. 12.05 Инглиз тили. 13.05 Ҳужжатли фильмлар. 13.40 Ёшлигим кўшиқлари. 14.10 Табиат билан ҳамжиҳатликда. 14.40 Янгилар. 14.50 Виждон Бадий фильм. 5-серия. 18.30 Янгилар. 18.40 «БАМ зонаси. Ўтроқ аҳолиси». Ҳужжатли фильм премьераси. 19.00 Саъдатчилар клуби. 20.00 Дўстимнинг адреси. Минскдан кўрсатилади. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Ҳужжатли фильм. 20.55 Очiq роля. Кўрсатуви РСФСР халқ артисти В. Горностаева олиб боради. 21.30 «Время». 22.00 Қайта куриш прожектори. 22.10 Совет Армияси Марказий уйда шэрият кечаси. 23.15 Янгилар.

● ҒЗТВ-I

7.00 «Ассалому алайкум», 16.45 Физика. 17.15 Телефильм. 17.30 Эстетика асослари. 18.05 Кинолаҳза. 18.10 Париж Коммунаси кунига. 18.25 Санъатдаги умр. 19.20 Комсомол прожектори. 19.30 «Ахборот». 19.45 Қайта куриш: муаммолар ва изланишлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 Қайта куриш прожектори. 22.10 Оламга савҳат. 23.10 Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 Киноқўрсату. 20.20 Стратон кизи. Бадий фильм. 21.30 Фрунзе кўрсатади.

19 март,



● MT-I

7.00 «120 минут», 9.05 Ҳужжатли фильм. 9.30 Нега ва нима учун? 10.00 Ҳужжатли фильм премьераси. 10.55 Концерт. 11.20 Социализм мамлакатларида. 11.50 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. Сибирлик аёл. Бадий фильм. 1 ва 2 сериялар. 15.30 Музейда музика. 16.05 Дунё воқеалари. 16.25 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 16.55 Мўъжизасиз мўъжизалар. 17.55 Мультифильм. 18.10 Халқаро ҳаёт редакцияси таништиради. 19.10 Биз сизнинг фарзандларингизмиз. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.00 Қайта куриш прожектори. 22.10 Шанба оқшомда. КВН-88. 00.10 Янгилар.

● MT-II

8.30 Гимнастика. 8.45 Студия таништиради. 9.30 Ҳамоҳанглик. 10.30 «Здоровье». 11.20 Хайвонот оламида. 12.20 Компьютер билан диалог. 13.10 Фалсафий сўхбатлар. 13.55 Инсон. Ер. Коинот. 14.55 Ҳужжатли фильм. 15.15 Музика эфирда. 17.20 «Жанубдан йўлга чиққан арава». Бадий фильм. 18.45 Тафаккур программаси. 20.20 Фан ва техника. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 Қайта куриш прожектори. 22.10 Теннис. 22.55 Портрет вараңциялари билан. 23.35 Янгилар.

лар. 23.40 Футбол. «Жальгирис» — «Динамо» (Москва). 2-тайм.

● ҒЗТВ-I

7.00 «Ассалому алайкум», 8.30 Ҳужжатли фильм. 9.05 Шумбола. Бадий фильм. 10.40 Туркистон АССР ва Туркистон Компартиясининг 70 йиллигига. 11.10 И. Турсунов. Пахтаини оппоқ эди. Спектакль. 12.40 Дала ҳовли юмушлари. 13.10 «Ёшлик». 13.40 Оналар мактаби. 14.10 «Иқбол» (тақрор.). 18.00 «Ровесники». 18.45 Футбол чорраҳаларида. 19.30 «Ахборот». 19.45 Тил — маданият кўзгуси. 20.20 Николай Подвойский. Ҳаёти саҳифалари. 20.30 «Ахборот». 20.50 Аёл гузаллиги олами безар. 21.30 «Время». 22.00 Қайта куриш прожектори. 22.10 Аёл гузаллиги олами безар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.55 Душанба кўрсатади.

20 март,



● MT-I

8.15 Янгилар. 8.30 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.25 «Будильник». 9.55 Совет Иттифоқига хизмат қилмаган. 10.55 Тонгги почта. 11.25 «Здоровье». 12.10 Музикали киоск. 12.40 Кишлоқ янгилар. 13.40 Илмий-оммабоп фильм. 14.30 Қайта куриш ва маданият. 15.30 Эртақ ҳузурида меҳмонда. 17.00 Ҳужжатли фильм. 18.05 Концерт. 18.25 Халқаро панорама. 19.15 Ҳужжатли фильм. 19.50 «Шундай воқеа бўлган». Бадий фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 Блюхер ҳақидаги хотиралар. 22.55 Сан-Ремодаги италян кўшиқлари фестивалида. 2-кўрсату. 23.55 Янгилар.

● MT-II

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 М. Светлов поэзияси. 9.40 Киноальманах саҳифаларида. 10.40 А. С. Пушкин Михайловскада. 11.45 Иқтисодий билимлар асослари. 12.15 Оламга савҳат. 13.20 Мактаб: қайта куриш муаммолари. 13.50 Илмий-оммабоп фильм. 14.10 «Қодирин можаҳорлари». Фильм-спектакль. 16.10 Тош девор ортида. 17.00 Музикали абонемент. 18.00 «Икки карра икки». 18.20 Ҳужжатли фильмлар. 19.20 Мультифильмлар. 19.50 Музикали портрет. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ўтпай хоккей. 21.30 «Время». 22.05 Бадий фильм. 23.30 Теннис. 00.15 Янгилар.

● ҒЗТВ-I

8.00 «Ассалому алайкум», 9.30 Телефильм. 10.00 Биргаликда куйлаймиз. 10.20 Киноқўрсату. 11.20 «Юрмала-88». 12.50 Шахмат мактаби. 13.20 Бунди ҳамма билиши ва удалаш керак. 13.50 Кувноқ сартлар. 14.50 Адабий театр. Э. Вождов. «Дониш кишлоқ латифалари». 15.25 Реклама. 18.05 Мультифильмлар. 18.35 Санъат гунаҳлари. 19.05 «Наврўз келганида». Телефильм. 19.30 «Ахборот». 19.50 «Ералаш». 20.00 Бугун — Уй-жой-коммунал хўжалиги ва аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш ходимлари кунини. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 «Кўпик». Кинокомедия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

15.05 Фрунзе кўрсатади.

#

СПОРТ

СПОРТ

СПОРТ

СПОРТ

ШАШКАГА ЭЪТИБОР КЕРАК

Утган йили республика чемпионатида халқаро гроссмейстер Николай Мишчанский рус ҳамда юз катакли шашка бўйича Ўзбекистоннинг мутлақ чемпиони унвонига сазовор бўлди. Жамоатчи муҳбиримиз А. БРАЙЛОВСКИЙ чемпион билан учрашиб қўйдаги интервьюни олди.

— Николай, шашка оламига кириб келишингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Мен 1954 йили Донецк шаҳрида туғилганман. Спортнинг бу турига бўлган қизиқишни отам — спорт мастери Николай Николаевич уйғотди. У менинг биринчи ва ягона устозим бўлди. 10 ёшимдан шашка билан жиддий шуғуллана бошладим. 1964 йилда биринчи бор квалификацияловчи турнирда иштирок этиб, иккинчи разряд нормасини бажардим. Келаси йил эса Донецк шаҳар биринчилигининг ярим финалида 1 разряд нормативини бажариб, финалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдим. 1966 йил мен учун бахтли ҳисобланади. Шу йили мен рус шашкаси бўйича ўсмирлар ўртасида Украина чемпиони унвонига сазовор бўлдим. Шу даврдан ўз кучини халқаро шашкада синая бошладим. Юз катакли тахтада биринчи бор 1968 йилда «Авангард» Марказий Советининг ўсмирлар биринчилигида иштирок этиб, иккинчи ўринни эгалладим. Муваффақиятли дебют мени янада руҳлантириб юборди. Ана шу йили мен катталар ўртасида «Авангард» биринчилигида спорт мастери нормасини бажардим.

— Нима учун сиз айнан юз катакли шашкада ўйнашга ўтдингиз?

— Рус шашкасида назарий билимлар асосий роль ўйнайди, мустақил имод учун шартлар кам. Юз катаклида эса фантазияси кучли, ўзоқни кўзлай билиш, комбинацияларни тезкорлик билан ҳисоб қилиш, тахтада юзага келган мураккаб муаммоларни ҳал қила олиш қобилиятига эга бўлган кишигина қолиб чиқади.

— Халқаро мусобақалардаги дастлабки ютуқларингиз ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— 1971 йилнинг охирида Голландияда ўсмирлар ўртасида норасий жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Мамлакатимиз кучли шашкачилари билан бўлган баҳсларда орттирган тажриба унда қолди киши имконини берди. Бир йилдан сўнг Амстердамда ўсмирларнинг расмий жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда мен жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритдим.

— Кучли спортчилар сизни қачон тан олишди?

— «Амстердам-73» янги йил турниридан сўнг бўлса керак. Мазкур турнирда мен мамлакат чемпиони А. Гантварг билан бир хил 8,5 очко жамғариб қолдилик нашидасини сурганимиз.


— Халқаро гроссмейстер унвонига қачон эришгансиз?

— 1979 йили Ереванда бўлиб ўтган мамлакат чемпионати жаҳон биринчилигига номзодларни саралаш вазифасини ўтади. Ана шу ерда қўлга киритган кумуш медалини Италиянинг Арко шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини берди. Мазкур биринчиликда мен олтинчи ўринни эгаллаб, халқаро гроссмейстерлик нормасини бажардим. 1980 йилда эса биринчи бор мамлакат чемпиони унвонига сазовор бўлдим. Шу йили жаҳон биринчилигида бронза медалини қўлга киритдим. Орадан беш йил ўтгач, Харьковда иккинчи бор мамлакат чемпиони унвонини эгалладим. Ва ниҳоят, шу йили оилавий ҳаётимда ҳам айрим ўзгаришлар юз берди. Серқуёш республикангиз чемпиони Озода Аҳмедовага ўйланганимдан сўнг Тошкентга кўчиб келдим. Яқинда қизимиз Сайёра 5 ойлик бўлди.

— Республикада спортнинг бу тури ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?

— Катта ва ўрта авлод вакиллари бўлиш Ш. Ёқубов, С. Гуляев, С. Давидов, М. Фозиловларнинг номлари жаҳонга яхши таниш. Аммо, Бутуниттифоқ аренасига кўтарилишга тайёр бўлган ёш авлод вакиллари ҳали учратганим йўқ. Умуман, республикада спортнинг бу турига жуда кам эътибор берилар экан.

«Анхор» ўқув тренировка базасида байдарка каноэда эштак эшиш бўйича республика ўсмирлар терма командаси аъзоларини учратиш мумкин. Улар бу ерда Ростов шаҳрида ўтказиладиган мамлакат биринчилигига тайёргарлик кўришмоқда. Терма команда аъзоларига Юрий ва Татьяна Серебряковлар устозлик қилишмоқда. Суратда: машғулот пайтида. А. Зуфаров фотоси.



БАЛЛИ, ЙИГИТЛАР

Чимён спорткомплекс базасида ўтказилган ушбу конкурсда турар жойларда ташкил этилган клубларнинг 14—16 ёшдаги аъзолари иштирок этишди. Уни ўтказишдан мақсад ўсмирларнинг ҳарбий хизматга қай даражада тайёргарлик кўраётганлигини текшириш эди.

Конкурс программасига эстафета, велосипед, тош кўтариш, автоматини қисмларга ажратиш ва уни йиғиш, ҳарбий-тарихий викторина ва бошқа турлар киритилди. Мазкур конкурсда деярли барча клубларда ҳарбий хизматга ўспиринларни тайёрлаш жараёни яхши йўлга қўйилганлиги намойён бўлди. Айниқса «Чирчиксельмаш» заводида қарашли турар-жой-эксплуатацияси бошқармасининг «Дружба» коллективи синовдан «аъло» баҳо билан ўтди. Уларга шаҳар комсомол комитетининг кўмак кубоги ҳамда Фахрий ёрлиқлар топширилди. Конкурсининг қолган иштирокчилари эса эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Баҳс сўнггида қатнашчилар пионерлар саройининг «Силуэт» вокал-чолгуй ансамбли кжросида куй ва қўшиқлар тингладилар.

А. ҲАКИМОВ.



ЗАВОД СПОРТ КЛУБИ

«Ташсельмаш» заводи спорт клуби республикамиздаги йирик спорт иншоотларидан бири ҳисобланади. Бу ердаги спортнинг футбол, волейбол, эркин ҳамда классик кураш, самбо ва дзю-до, шашка ва шахмат секцияларида юзлаб завод ишчилари ва уларнинг фарзандлари мунтазам равишда шуғулланиб келишмоқда. Яқинда эса уларнинг сони ана биттага ортди. Тренерлар Рустам Нафиков ва Роман Кимлар ташаббуси билан спорт клуби қошида аёллар дзю-до секцияси ташкил этилди. Дастлаб спортнинг бу турига қизиқувчи аёлларни топиш анча қийин бўлди. Ҳозир эса уларнинг сони 20 нафардан ошиб кетди. Секция аъзолари тажрибали тренерлар бошчилигида дзю-донинг сир-асрорларини ўзлаштиришмоқда. Завода ўтказиладиган мусобақаларда эса уларни янада мустақамламоқдалар.

Келгусида клуб коллективи завод ётоқоналарида ҳам ана шундай спорт турлари бўйича секциялар ташкил этишни режалаштирганлар.

Суратда: аёллар дзю-до секциясида.

М. НАЗАРОВ фотоси.

● **ФУТБОЛ.** Олий лига командалари ўртасида ўтказиладиган мамлакат биринчилигининг навбатдаги матчида Москванинг «Динамо» ҳамда Ленинграднинг «Зенит» коллективлари ўзаро куч синаядилар. Мазкур ўйинда динамочилар 3:2 ҳисобида ғолиб чиқдилар.

● **БЕРН.** Голландиянинг «Аякс» футболчилари кубок эгалари кубогининг чорак финалидаги биринчи матчида Швейцариянинг «Янг Бойз» командасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида ғалабага эришдилар.

● **ШАШКА.** Авансозлар маданият ва техника клубида рус шашкаси бўйича Бутуниттифоқ фестивали ўтказилди. Швейцарча усулда ўтказилган мазкур фестивал 9 турдан иборат бўлди. Унда пойтахтнинг энг кучли шашкачилари билан бир қаторда СССРнинг уч қавра чемпиони, бакулик В. Габриелян, Таристон чемпиони, қо-

зонлик спорт мастери Л. Пресс ва бошқа бир қатор танили спортчилар иштирок этишди. Унда 7,5 очко жамғарган В. Габриелян ғолиб чиқди. Тошкентлик мастерлар С. Гуляев, Ш. Ёқубов, И. Фридман ва С. Давидовлар гроссмейстердан ярим очко ортда қолишди.

● **ХАЛҚАРО** шашка бўйича эркинлар ўртасида ўтказилган пойтахт чемпионатида 14 киши қатнашди. Унда 6 очко жамғарган армячи мастер А. Честков устунлик қилди. Мастерлиikka номзод М. Шабшай 5,5 очко билан иккинчи ўринни эгаллади. Унинг клубдоши А. Бутузов худди шунача очко билан учинчи ўринни олди.

● **ШАХМАТ.** Республика шахмат-шашка клубида эркинлар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати давом этмоқда. Беш турдан сўнг чемпионатда 4,5 очко жам-

гарган тошкентлик спорт мастерилигига номзод Э. Гриншпун олдинда бормоқда.

● **МЕРГАНЛИК.** Нораегиянинг Ставангер шаҳрида пневматик қуролдан отиш бўйича Европа биринчилиги бўлиб ўтди. Мамлакатимиз терма командаси шарафини ҳимоя қилган тошкентлик А. Кадников мазкур мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, Европа чемпиони унвонига сазовор бўлди. У ПП-3 машқида 600 имкониятдан 577 очко жамғаришга муваффақ бўлди. Ўзбекистон Давлат физкультура институтининг 1 курс талабаси А. Кадников умумкоманда ҳисобида ҳам Европа чемпионати олтин медалини қўлга киритди.

● **САМБО.** Ёш самбочилар турнири бу сафар Урганчада бўлиб ўтди. Мусобақаларда ҳар галгидек бош соврин учун Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро области ко-

мандалари ўртасида баҳс юритилди. Унда омад Бухороликларга қулиб бокди. Иккинчи ўринни пойтахт командаси вакиллари эгаллашди. Областики полвоилари совринли учинчи ўринни қўлга киритишди. Шахсий беллашувада оғир вазини бекободлик Ю. Горакян шохсупанинг энг юқори поғанасидан ўрин олди.

● **СУВ ПОЛОСИ.** СССР чемпионати биринчи лигасида иштирок этаётган Тошкентнинг «Мехнат» камондаси Қозон ва Тбилисда бўлиб ўтган навбатдаги турдаги уч ўйинда беш очко жамғарди. Улар мазкур ўйинларда «Балтика» командаси устидан 9:7, Бокунинг олий спорт маҳорати мактаби командаси устидан эса 12:8 ҳисобида ғолиб чиқдилар. Ҳозирда меҳнатчилар 12 очко билан турнир жадалининг иккинчи поғанасини эгаллаб туришмоқда.

Редактор ўринбосари
С. Ф. МУСАЕВ.

ТОШКЕНТ
ХАКИКАТИ

(«Ташкентская правда»)

Орган Ташкентского обкома
Коммунистической партии
Узбекистана и областного
Совета народных депутатов

Издается на

узбекском языке

Редакция адрес:

700083, ГСП, Ташкент,

Ленинград кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48,

32-53-54 хатлар ва оммавий

ишлар бўлими